Мавзу: Ўрта Осиё шароитида анъанавий турар-жойларнинг энергия самарадорлиги ва қулайлиги.

Маърузачи; Сам ДАҚИ «Архитектура факультети
«Архитектура назарияси ва тарихи»
кафедраси ўқитувчиси Мирзаев Д. М.

Ўзбекистондаги олдинги тор кўчалар ва торгина, ихчамгина ҳовлилар эндиликда жуда узоқ қайтариб бўлмас замонда қолгандек афсусланамиз. Бундай ажойиб меросларимизни меъморларимиз янги норматив ва СНИПлар, янгича индустриал турар жойлар қуриш корхоналари (ДСК) таъсири билан эсламай қўйди. Анъанавий тарзда жуда зич қурилган турар жойларимиз ўрнига сувда сузиб юрувчи кемалар каби фазо ва ҳаво ичида сузиб юрадиган, яъни ташки таъсирдан кам мухофазаланган уйлар, торгина кўчалар ўрнига автомашиналар қатновига мўлжалланган шамол оқими магистралини таъминлайдиган магистрал кўчалар пайдо бўлди. Қадимий шаҳарларимиз маҳаллаларида фақатгина ўлчами, тез барпо қилиниши, фазовий кўриниши ва иссиқ-совуқ сув ҳамда газ билан таъминланиши билангина янги эмас, балки умуман яшаш тарзи билан янгича бўлган турар жой бинолари қурилган микрорайонларимиз пайдо бўлди. Анъанавий турар жойларимиздаги ҳовлилар ўрнига умумий фойдаланишга мўлжалланган ҳовлилар пайдо бўлди. Бундай ҳовлиларда ҳар бир оиланинг ёзги ҳаётини илгаридагидек тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай бинолар кишиларни кун кечиришига, яшаш тарзига, кундалик юриш-туришига кескин таъсир қилди. Илгариги торгина ҳовлилардаги ҳаёт, ундаги болаларнинг ўйнаши, кишиларнинг дам олишини эслаган кишига ҳозиргидек ҳамма шароитлари бор, болалар умумий майдончалари бор бўлган санитарно-гигиеник шароитларга тўғри келадиган турар жойлар негадир ёқмайди. Умуман олганда бундай бинолар кишиларни ҳимояланганлик ҳисларидан, Ўрта Осиёнинг ўзига хос табиатидан кишилар ёзги дам олишини ташкиллаштириш қулайликларидан халос қилади. Кўпчилик қарияларимизни ҳали ҳам илгариги тоза ва очиқ ҳавода кечқурунги ухлаб дам олишлар, кечқурунги чой ичиб тоза ҳавода суҳбат қуришлар, айниқса ёзни иссиқ пайтларида ҳали кондинционер деган нарса нималигини билмаган бўлсалар ҳам, ҳеч қандай ҳаводаги димликни сезмаганликлари эсларидан чиққани йўқ. Ҳозирда ҳар бир кишидан сўраб кўрсангиз шундай ҳаётда яшашга интилишларини сезасиз. Бу нарса миллатимизни истиқлолни мустақиллигимизни, миллий қадр-қимматимизни таъминлайдиган факторлардан биридир. Хўш анъанавий уйларимизни бундай қулайликларини сирлари нимада эканлигини билиш ва уни ҳозирги ҳаётимизда тадбиқ қилиш бугунги кунда биз меъморларни асосий вазифамиздир.

Ўрта Осиёда 60-йилларга қадар кўпгина шаҳарлар асосан бир-икки қаватли турар жойлардан иборат эди. Бу қадимий шаҳарларимизда сақланиб қолган Ўрта Осиё турар жой бинолари асосан синчли, ҳажмий кўринишлари билан Шарқий Араб мамлакатлари Афғонистон, Эрон каби мамлакатларга хос бўлган турар жой биноларидан иборатдир. Бундай турар жой бинолари Россия ва Украинадаги бинолардан, уларни жойлашиш жиҳатдан, кўчалари ва кўчаларига қараган деразалари йўқлиги уйлар деворлар билан ўралганлиги жиҳатидан кескин фарқ қилади. Катта кўчалардан кичик кўчаларга, кичик кучалардан эса боши берк

кўчаларга бўлиниб кетади. Қадимий шаҳарларимизда фақат уйлар ва кўчалар давомли ва тўхтовсиз эмас, балки бутун бир кварталлар, маҳаллалар бир-бирига қўшилиб зич бир матони ташкил қилади. Бу матони зичлиги яъни турар жой қурилган жойлар билан очиқ жойларни бир-бирига муносабати ҳар-хил шаҳарларда ҳар-хилдир. Масалан, Бухорода бу зичлик 70 фойз, Самарқандда, Бибихоним масжиди атрофида эса 50 фойзни ташкил қилади. Солиштириш учун Бухородаги ва Самарқанддаги янги микрорайонларда биноларни зичлиги 10-12 фойзни ташкил қилади. Қадимий шаҳарларимиз кўчалари 6-7 фойзни ташкил қилса, биргина янги магистраль куча учун ҳамма территориянинг 6 фойзни ажратилади. Тор кўча ва боши берк кўчалар, пахсали деворлар тасодифан пайдо бўлмади. Бу нарса фақат Ислом дини асорати эмас, балки жазирама иссиқлик таъсиридаги ҳаёт тажрибасидир. Бундай ҳолат қадимий Месопотамия, Крита, Греция, Рим шаҳарларидаги деворлар билан ўралган ҳовлили уйларга хосдир. Бу эса турар жойларнинг давомийлигини бир-бирига бирлашиб кетиши ва матони зичлигини таъминлайди. Ўша даврнинг асосий вазифаларидан бири ташқи ҳаво билан алоқа қиладиган юзани камайтириш бўлган яъни жазирама иссиқда кам юза қуёшда нурланса, совуқ вақтда эса кам юза совуқдан совийди. Бу эса ёзда хоналарни совитиш учун кетадиган, қишда иситиш учун кетадиган маблағларни кескин камайтиради. Энг асосий фактор бўлган атроф-муҳит ва иқлим кишиларни кўп асрлик тажрибалардан хулоса чиқишга ундади.

Ҳозирги замон талаби ўша энергетика жиҳатидан анча қулай, энергия тежамкор бўлган турар жойларни такомиллаштириб такрор ишлаб чиқишни кўрсатаяпти. Ўрта Осиё 50-йиллардан бошлаб индустриаль турар жой қурилиши бошланиб кетди. бунда бошқа совуқ жойларга мўлжалланган турар жойлардан ҳеч ҳам фарқ бўлмаган 2,3,4-қаватли турар жойлар қурила бошланди. Ўша вақтни ўзидаёқ кўп меъморлар шу жумладан Булатов М.С. бундай турар жойларни Ўрта Осиёни иссиқ обу-ҳавосига ярамаслигини таъкидладилар хамда меъросимиз бўлган анъанавий турар жой бинолари кишилар ҳаётини ҳамма талабларига жавоб беришини, кўп қаватли турар жой биноларидаги веранда ва лоджилар оилаларни ёзги ҳаётига тўғри келмаслигини, ёзда хоналар исиб кетишини тушунтиришди. Микрорайонлардаги турар жойлар олдидаги очиқ майдончалар турар-жой биноларимиздагига қараганда 4:2 баробар кам фойдаланилади. Янги микрорайонларда яшаётган аҳолининг ярмидан кўпи бу турар жой бинолари олдида дам олиш ҳуқуқига эга эмас ёки бундай дам олишдан қочишади. Анъанавий уйлардаги аҳолининг 90 фойзи ёз ойларида кундузги ҳаётини ҳаммасини шу ҳовлиларда ўтказишади. Бундай турар жой биноларида ёз кунлари ҳовли, мехмонхона, ҳам ошхона, ҳам ётоқхона вазифасини ўтайди. Агар бундай ҳовлилар бутун майдонни яримини ташкил қилса микрорайонларда эса 80 фойзини ташкил қилади. Шунчалик майдон умумий фойдаланишга обу-ҳавони яхшилашга ажратилган бўлса ҳам, оила учун ёзги дам оладиган жой веранда ёки лоджи бўлиб қолаверади. Шундай қилиб микрорайонлардаги турар-жойларда анъанавий турар жойлардаги каби ердан ажратилган ҳовлилар йўқ, бунинг эса анъанавий турар жой биноларидан жуда катта фарқи бўлиб, ҳозирги турар жойларнинг энг асосий камчилиги шундадир. Бунинг устига хоналарни деразалари кўчага ёки умумий фойдаланишдаги очиқ ҳовлига қараганлиги, тинч

яшаётган оилага кўчалардаги ва очиқ ҳовлидаги шовқин таъсирини оширади. Ҳозирги турар жойлар блок секциялардан иборат бўлиб, бу эса уйларни бирин-кетин жойлаштиришга ёки узиб-узуб қутубга нисбатан тўғри жойлаштиришга мажбур қилади. Бундай жойлаштириш худди бўлак-бўлак уйлар, бинолар денгиздаги кемалар каби фазода, яъни ташқи таъсирдан кам мухофазаланган тарзда сузиб юрганидек туюлади. Ҳозирги турар жой бинолари билан анъанавий турар жой бинолари фарқи шундай икки йўналишда бўладики, бу икки йўналиш бир-бирига қарама-қаршидир. Ҳозирги турар жойлар қуёшга, шамолга эркин бўлиб денгиздаги кемалар каби фазода, яъни ташқи таъсирдан кам мухофазаланган тарзда сузиб юрадиган турар жойлар бўлса, анъанавий турар жойларимизни ўз ичида фазо ва обу-ҳавони ҳовлиси орқали ўзига қамраб олади, бу эса шу ерда яшовчи кишилар ҳаёти учун жуда керакли ҳолатдир. Бунда кишилар ўзларини эркин ҳис этиб, рўҳияти ҳам яхшиланади, ҳар хил шовқинлардан ва қаттиқ совуқдан сақланадилар. Чунки, бинолар зич курилган шаҳарларда қишнинг совуқ кунларида иссиқхона иқлими (теплица) ҳукум суради.

Шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар-хил жойларида бундай турар жой бинолари бир-биридан бироз фарқ қилиб ҳар бир жойни ўз шароитига боғлиқ бўлиб келган. Бунга Бухороча, Хивача, Фарғонача, Қашқадарёча турар жой бинолари киради. Лекин, уларни бир-бирига боғлайдиган нарса бу ҳовлилар. Ҳовлили анъанавий уйда ҳамма дереза ва эшиклар ҳовлига қаратилган бўлиб, ҳовлидаги тоза ҳаво бошқа ҳовли ёки кўчалар билан аралашмайди ва шу ҳовлидаги обу-ҳаво шу уйга қарашли бўлади. Бундай ҳолат шу уйда очиқ фазодаги интим хона ҳам борлигини таъминлайди. Кўча тарафда дереза йўқлиги ва эшиклар ёпиқ бўлиши ва боши берк кўчаларни тор бўлишига таъсир қилмайди. Уйларнинг бир-бирига боғланиб кетиши ва кўчаларни тор бўлиши жуда зич матони ташкил қиладики, унда 1 метр квадрат ҳам бекорчи ерни топиш қийин бўлади. Бундай турар жой биноларидан ташкил топган маҳаллалар икки томонлама тобора зичлашиб боради. Биринчидан шу ерда янги хоналар қуриш билан зичлашиб борса, иккинчидан икки-уч қаватли қилиб қуриш билан зичлашиб боради. Текшириб кўрилганда 40-50 фойз зичликдаги маҳаллалар асосан 1-2 қаватли бинолардан ташкил топган 70 фойз зичликдаги маҳаллалар хусусан, Бухородаги 2-3 қаватли бинолардан ташкил топган бўлиб чиқди. Бухородаги турар жой бинолар паст хоналар ва баланд хоналар бор, ҳовли юқорига кутарилган сайин бирин-кетин кенгайиб боради. Бу эса қуёш ботиши билан ҳовлини совиш тезлигини оширади. Ҳовлидаги усти ёпиқ хона-далан ва подвалдаги (ертўла) совуқ ҳаво, яъни ёруғлик билан соядаги ҳавони ўзгариши ҳовлидаги иссиқликни сиқиб чиқаради. Хиваликлар эса шимолга қараган улуғ айвон орқали эсаётган совуқ шаббодани ушлаб олиши ва ҳовлидаги войиш ёки қайрағоч ёрдамида кундузи обу-ҳавони совуқ ҳолда сақлаб турадилар. Ҳовли кечаси совиб кундузи аста-секин иссийди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Наманган, Бухородаги анъанавий турар жойларни типографик картасини солиштириб шу нарса аниқландики ҳовлиларни ўлчами жойларнинг зичлиги боғлиқ экан, яъни 50-60 фойз зичликдаги жойларда ҳовлилар ўлчами ўртача 60 кв. метрни ташкил қилиб, ҳовли ёзда дам оладиган хонадек бўлади. Унда узум войиши ва 1-2 мевали дарахт бўлади. Агар ҳовли ўлчами каттароқ бўлса, унда сабзавот ҳам экилади.

Ўрта Осиёда ҳам капитализм кириб келиши билан кўпгина шаҳарларда умумий ҳовлили фойда келтирадиган уйлар пайдо бўлди. Бундай турар жойлар ҳам зичлиги жиҳатдан анъанавий турар-жойлардан кейин иккинчи ўринда туради. Революциядан кейин эса бу турар-жойлар давлат тасарруфига ўтиб, ҳамсоялик коллективи сифатида яшаб келаяптилар.